

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АВАЗОВ САРДОРЖОН ЭРКИН ЎҒЛИ

**ПИЁЗНИНГ (*Allium cepa* L.) МИКОБИОТАСИ ВА УНИНГ КЕНГ
ТАРҚАЛГАН, ЗАРАРЛИ КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ
ЧОРАЛАРИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of dissertation abstract of doctoral dissertation

Авазов Сардоржон Эркин ўғли

Пиёзнинг (*Allium cepa* L.) микобиотаси ва унинг кенг тарқалган, зарарли касалликларига қарши кураш чоралари3

Авазов Сардоржон Эркин угли

Микобиота лука (*Allium cepa* L.) и меры борьбы с наиболее распространенными и вредоносными болезнями.....33

Avazov Sardorjon Erkin o'g'li

The onion mycobiota (*Allium cepa* L.) and their control of the most common and harmful diseases59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....63

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АВАЗОВ САРДОРЖОН ЭРКИН ЎҒЛИ

**ПИЁЗНИНГ (*Allium cepa* L.) МИКОБИОТАСИ ВА УНИНГ КЕНГ
ТАРҚАЛГАН, ЗАРАРЛИ КАСАЛЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ
ЧОРАЛАРИ**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc/Qx90 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Марупов Аббосхон

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудходжаев Нажмиддин Мавлянходжаевич

биология фанлари доктори, профессор

Торениязов Елмурат Шерниязович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Рамазанова Савия Сулаймоновна

биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Сабзавот, полиз экинлари картошкачилик илмий тадқиқот институти.

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «30» август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали.

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (535335 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «17» августда тарқатилди.
(2018 йил «19» июндаги 30,2 рақамли реестр баённомаси.)

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х. Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Пиёз (*Allium sera* L.) сабзавот экинларининг ичида инсон саломатлиги учун энг қимматли маҳсулотлардан бири ҳисобланади. «ФАО маълумотларига кўра, дунё бўйича касаллик ва зараркунандалар келтирадиган зарари натижасида пиёзнинг йиллик ҳосилдорлиги ўртача 40 фоизга камаяди, шундан 20-80 фоизгача маҳсулотни сақлаш даврига тўғри келади¹». Дунё миқёсида бугунги кунда пиёз ўсимлиги, барча яшил ўсимликлар сингари, ҳар хил гуруҳга кирадиган микроорганизмлар билан зарарланиши ва ушбу касалликларнинг аксариятини замбуруғлар қўзғатиши исботланган.

Бугунги кунда дунёнинг етакчи ўринларини эгаллаб келаётган давлатларида пиёз ўсимлигини етиштириш, уларнинг касалликларини аниқлаш ва уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишга бағишланган илмий тадқиқот ишлари кенг йўлга қўйилган. Пиёз ўсимлигида вегетация даврида кенг тарқалган ва ўта хавфли касалликлар қаторига сохта ун-шудринг, пиёз бўғзи чириши, занг, қоракуя, пиёз таги оқ чириши ва қора моғор киради. Омборхоналарда сақлаш даврида эса кулранг чириш ва фузариоз чириш касалликлари кўп учрайди. Пиёз ўсимлигида замбуруғлар қўзғатадиган касалликларни аниқлаш, патоген турларининг культурал – морфологик ва биологик хусусиятларини аниқлаш, уларга қарши самарали кураш чораларини яратишда катта амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда қишлоқ хўжалигида сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида сабзавотчиликда асосий экин ҳисобланган пиёз ўсимлигидан турли экиш муддатларида юқори ва сифатли ҳосил олиш технологиялари ҳамда қишда сақлаш даврини узайтириш усулларини ишлаб чиқишга эришилди. Бу борада пиёз ўсимлигини етиштиришда замбуруғли касалликлар билан зарарланиш даражасини камайтириш ва уларга қарши кураш чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...мева-сабзавот ва полиз экинларини етиштиришда ўсимликларни турли касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада касаллик ва зараркунандаларга чидамли пиёз навларини яратиш ва пиёз ўсимликларида кенг тарқалган ва соҳани ривожлантиришга катта зарар келтирадиган касаллик қўзғатувчи замбуруғларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 2000 йил 21 августда қабул қилинган 117 - 11 сон “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги,

¹FAOSTAT, 2017; <http://www.fao.org>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 - мартдаги 148 - сон "Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил январдаги ПК-1047 сон "Озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон "Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги" Фармони ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонининг 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш банди ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Пиёзчилик соҳасини янада юксак даражада ривожлантириш улардан экологик соф ва мўл маҳсулот ҳосилини олиш учун ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Fujian agriculture and forestry university (Хитой), Xingjian academy of Agricultural Sciences, China agricultural university (Хитой), National agricultural research center (Покистон), Indian agricultural research institute (Ҳиндистон)² ҳамда Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти (Ўзбекистон) ва бошқаларда олиб борилмоқда.

Пиёз касалликлари ва уларга қарши кураш чораларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: пиёз экинларининг сохта ун шудринг, занг, қоракуя, фузариоз ва бошқа касалликлари тарқалиши аниқланган (Fujian agriculture and forestry university); пиёз ўсимликларида *Peronospora* туркуми турлари аниқланган (Xingjian academy of Agricultural Sciences, China agricultural university); ўсув даврида пиёз ўсимлиги касалликларини мониторинг қилиш ва уларнинг кўзгатувчиларини идентификация қилиш усуллари такомиллаштирилган (Indian agricultural research institute); сабзавот экинларининг асосий касалликларига қарши курашнинг самарали усул ва воситалари ишлаб чиқилган (National agricultural research center).

Бугунги кунда дунёда соха мутахассислари томонидан пиёз ўсимликлари касалликларига қарши қатор, жумладан, куйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: далаларнинг фитосанитар

² www.fafu.cn; www; www.iari.res.in; www.gfar.net; www.fao.org.

холатини доимий равишда мониторинг қилиш; касаллик кўзғатувчи патоген замбуруғ турларининг био-экологик хусусиятларини аниқлаш; пиёз ўсимликларида патоген замбуруғ турларининг тарқалиш омилларини аниқлаш; пиёз навларининг асосий касалликларга толерантлигини аниқлаш; касалликларга қарши янги ва самарали фунгицидларни пиёз ўсимликларини ҳимоя қилишда қўллаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чоп этилган адабий манъбаларни таҳлил қилишимиз натижасида маълум бўлдики, пиёз ўсимлиги қадим-қадим замонлардан бери деярли ҳамма мамлакатларда экилиб келинган ва аҳоли уни севиб истеъмол қилган. Авваломбор пиёз Осиё мамлакатларида етиштирилган, кейинчалик Эрон орқали Мисрга, Грецияга, Римга ва секин аста бошқа мамлакатларга тарқалган. Аҳоли томонидан пиёз маҳсулотига бўлган талаб йилдан йилга ошиб борганлиги сабабли пиёзчиликни ривожлантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш зарурлигини вақт ўзи очик ойдин кўрсатиб берган.

Кўп сонли олимларнинг бажарган илмий тадқиқот ишлари натижасида пиёз ўсимлигининг биологик хусусиятлари уларни ўстириш технологиялари, қишда сақлаш даврини узайтириш усуллари, селекция ва уруғчилик ишлари бўйича илмий ва амалий аҳамиятга эга янги натижаларга эришилган. Яна шу нарса ҳам маълум бўлдики пиёздан мўл ва самарали ҳосил олишга тўсқинлик қиладиган омиллардан энг асосийси уларнинг ҳар хил гуруҳ микроорганизмларга мансуб турлар билан касалланишлари исбот қилинган. Пиёз экиладиган барча мамлакатларда кенг тарқалган ва ўта хавфли замбуруғли касалликларга сохта ун-шудринг, пиёзнинг бўйин чириш, занг, қоракуя, пиёз тагчасининг оқ чириши, қора моғор ва бошқа касалликлар кириши аниқланган (Казакова А.А., Пересыпкин В.С., Пидопличко Н.М., Ульянищев В.И., Black L., Conn K., Gabor V. ва бошқалар).

Бундан ташқари генетик селекциянерлар зараркунанда ва касалликларга чидамли, ўсиш муҳитига мослашган янги навларни кашф қилишган, агрономлар пиёз ўсимлигини ўстириш ва ривожланиш даврида қўллаш учун янги технологик усулларни жорий қилишган. Фитопатолог олимлар эса касаллик кўзғатувчи микроорганизмларга қарши уйғунлашган кураш чоратadbирларини ишлаб чиқишган. Натижада пиёз маҳсулотининг ҳосили йилдан-йилга ошиб борган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқотлар режасининг ҚХА-9-141-2015 «Қишлоқ хўжалик экинларини зарарли организмлардан ҳимоя қилишнинг илмий асосланган мажмуавий дастурини яратиш» (2015-2017 йй.) ва ҚХА-9-148-2015 «Мева-сабзавот ва картошка маҳсулотларини сақлаш даврида учрайдиган зарарли организмларнинг ривожланишини мониторинг қилиш ва уларга қарши курашни такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) ҳамда ҚХА-9-059 «Қишлоқ хўжалик экинларини янги жойлаштириш тизимида кўп йиллик бегона

ўтларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш» (2013-2015 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пиёз ўсимликларида замбуруғ турлари кўзғатадиган касалликларни аниқлаш, уларнинг морфологик, био-экологик хусусиятларини тавсифлаш ҳамда кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республиканинг хар-ҳил тупроқ иқлим шароитида пиёз ўсимлигининг асосий касалликларини ва касалланиш даражасини аниқлаш;

касалланган пиёз ўсимлиги намуналаридан касаллик кўзғатувчи патоген замбуруғларни соф културага ажратиш;

касаллик кўзғатувчи патоген замбуруғларни турларини аниқлаш;

пиёзда патоген замбуруғ турларининг тарқалиш қонуниятларини аниқлаш;

пиёз навларининг асосий касалликларга толерантлигини аниқлаш;

замбуруғ турларининг бази бир био-экологик хусусиятларини аниқлаш;

пиёзнинг асосий касалликларига қарши қўлланилган фунгицидларнинг мақбул меъёр ва муддатларини аниқлаш;

пиёзнинг вегетация ва сақлаш давридаги асосий касалликларига қарши кураш чораларини яратиш;

қўлланилган фунгицидларнинг биологик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

фермер хўжаликларига пиёзнинг вегетация ва сақлаш давридаги асосий касалликларига қарши кураш бўйича тавсияномалар яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари худудларида туманлаштирилган пиёзнинг (*Allium sera*) тури доирасида яратилган Сумбула, Ок Дур, Истикбол, Сибир, Манас, Дайтона, Лион, Универсо, Самарқанд қизили навлари ҳамда уларни касаллантирган асосий замбуруғ турлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида пиёз ўсимликларида мавжуд касалликлари, уларнинг ташхисларининг тавсифи, касал кўзғатувчи замбуруғ турларининг культурал-морфологик, биологик, экологик хусусиятлари, тарқалиш қонуниятлари, пиёзчиликка етказган зарарлари, касалликларга қарши қўлланилган фунгицидларнинг самарадорлиги олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларини бажариш жараёнида микология, фитопатология ва ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш соҳасида ишлаган ва ҳозирги кунда ҳам ишлаётган етук олимлар томонидан ишлаб чиқилган усуллардан фойдаланилди. Жумладан, замбуруғ турлари кўзғатган касалликлар билан касалланган пиёз ўсимликларидан гербарий намуналарини йиғишда Н.А.Наумов, М.К.Хохряков, И.А.Дудка, С.П.Вассер, И.А.Элланская ва бошқаларнинг усулларидан фойдаланилди. Пиёз ўсимлиги уруғларидан замбуруғ турларини ажратишда ва уларни аниқлашда Н.А.Наумова, А.Я.Семенов, А.П.Абрамова, М.К.Хохряков ва бошқаларнинг усуллари қўлланилди. Пиёз ўсимликларида

қайд қилинган касалликларни кўзғатувчи замбуруғ турларини аниқлашда В.Г.Траншель, Н.М.Пидопличко, А.И.Курсанов, В.И.Билай, М.К.Хохряков, Т.А.Добзракова, К.М.Степанов, М.Ф.Летова, М.А.Литвинов ва бошқа олимларнинг аниқлагичларидан, Замбуруғ турларининг систематик жойланишларини Saccardo, G.C.Ainswort, D.L.Hawksworth, G.R.Bisby монографиясидан фойдаланилди. Касалликларнинг ривожланиш даражасини Бутуниттифоқ ўсимликларни химоя қилиш институт ходимлари томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланмаларидан, касалликларнинг келтирган зарарларини И.А.Дудка, С.П.Вассер, И.А.Элланская ва бошқалар, касалликларнинг тарқалиш даражасини аниқлашда А.Е.Чумаков, Т.И.Захарова усуллари, замбуруғ турларининг ўсиш ва ривожланиш жараёнида касалланган ўсимлик тўқималари тепасида ҳосил қилган ўсиш босқичларини яъни конидий, спора, склероций, мева таналари ва уларнинг ичида ҳосил бўлган спораларининг ўлчамларини окуляр – микрометр ёрдамида аниқлашда Н.В.Попкова ва В.А.Шмиганинг монографиясидан фойдаланилди. Дала тажрибаларидан олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспехов усулларида фойдаланиб ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор республикамизнинг хар-ҳил тупроқ-иқлим шароитида пиёзнинг асосий замбуруғли касалликлари тўлиқ мониторинг қилинган;

қишга сақлаш учун омборхона шароитида ҳаво таркибидан, девордан ва поллардан пиёз ўсимлигига зарар келтирувчи замбуруғ турлари аниқланган;

ажратилган ва аниқланган турлар синфлар, тартиблар, оилалар, туркумлар ва турларга мансублиги аниқланган;

улардан 80 та тури Тошкент, 64 та Фарғона, 62 таси Қашқадарё вилоятлари шароитидан ажратилган;

энг кўп турлар 72 та *Deuteromycetes* синфига, *Basidiomycetes* ва *Ascomycetes* синфларига – 10 тадан, *Oomycetes* ва *Zygomycetes* синфига 9 та замбуруғ турлари мансублиги аниқланган;

турлар сони жихатидан энг кўп турлар *Botrytis* туркумида - 5 та, *Puccinia*, *Penicillium*, *Aspergillus* туркумларида 4 тадан, *Melampsora*, *Phyllostictada*- 3 тадан, қолган туркумларда 1-2 тадан турлар қайд қилинган;

пиёз ўсимлигининг касалланган аъзоларидан 72 та замбуруғ турларидан 34 та тур баргидан, 25 та илдиз тизимидан, 23 та пиёзбоши тагчасидан, 21 та пиёзбоши бўғзидан, 19 та уруғларидан, 18 та пиёзбошининг ташқи қобиғидан, 3 та ички юмшоқ қаватларидан ажратилган;

омборхона девор ва полларидан 24 та, ҳаво таркибидан 32 та замбуруғ турлари аниқланган;

аниқланган замбуруғ турларини озиқланиш усуллари бўйича 29 та тур факультатив сапротроф, 14 та ҳақиқий сапротроф, 12 таси ҳақиқий паразит ва 10 таси факультатив паразит турларга мансублиги аниқланган;

Республиканинг хар-ҳил тупроқ-иқлим шароитида пиёз ўсимлигининг асосий касалликларига қарши самарали кураш чоралари ишлаб чиқилган;

пиёз навларининг асосий касалликларга толерантлигини аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат: тадқиқотлар натижасида республиканинг хар-хил тупроқ-иқлим шароитида пиёз ўсимлигининг асосий касалликлари аниқланди ва уларга қарши самарали кураш чоралари ишлаб чиқилди, жумладан сохта ун-шудринг, қоракуя, занг, доғланиш ва чириш касалликларига билан зарарланган пиёз ўсимликларида Дифен Супер, 55% н.кук. да 0,3 л/га меъёрда қўлланилганда 15 кундан сўнг биологик самарадорлик 90,9% ташкил этди, зарарланиш даражаси 20,3% дан 4,2% гача пасайди, касаллик ривожланиши 7,2% дан 0,9% га тушди, Скор 250 эм.к. билан 0,3 л/га меъёрда ишлов берилганда 15 кундан сўнг биологик самарадорлик 91,6% ташкил этди, зарарланиш даражаси 20,3% дан 4,0% гача ва касаллик ривожланиши 7,2% дан 0,7 фоизгача пасайди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хар йили лаборатория ва дала тажрибаларининг апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий-тадқиқотлар ҳисоботлари муҳокама этилганлиги, тақриз қилинганлиги, тадқиқот натижалари математик-статистик таҳлиллардан ўтказилганлиги, олинган илмий натижалар ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, инновацион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги ҳамда изланишлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилингани; тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фитопатология, микология, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги назарий билимларни ҳамда пиёзда касаллик кўзгатувчи микроорганизмларнинг биологияси ва физиологиясига тегишли маълумотларни кенгайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пиёз ўсимлигининг вегетация даврида ва маҳсулотларни сақлаш жараёнларида замбуруғлар кўзгатувган касалликларни аниқлаш, чуқур илмий ва амалий таҳлил қилиш ва уларнинг ташхисини тўла тавсифлаб бериш асосида касаллик кўзгатувчи замбуруғ турларига қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пиёз ўсимлигининг асосий замбуруғ турлари кўзгатувган касалликларига қарши кураш бўйича олиб борилган тақиқотлар натижалари асосида:

пиёз ўсимлигининг кенг тарқалган сохта ун шудринг, қоракуя, занг ва турли хил доғланиш, чириш касалликларига қарши Шавит-Ф, 72% с.э.г., Курзат Р, 70% н.кук., Квадрис, 25% сус.к., Акробат МЦ с.д.г, Превикур SL, 722% с.э.к., Скор 250 эм.к. ҳамда Дифен Супер, 55% н.кук. фунгицидларини қўллаш Тошкент вилоятининг Қибрай тумани «Темир Қадам Носиров Абдирайм», «Қибрай Салар Файз»; Тошкент тумани «Ислохўжа Ниғмонхўжа», «Шухрат зиё» «Яхёхон Зиё Нур Агро», «Аълохон Исохон

Агро», Қашқадарё вилоятининг Чироқчи тумани «Ахмонов Шерали», Фарғона вилоятининг Бешариқ тумани, «Т.М.Зокиров» фермер хўжаликларида жами 30 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги 02/023-54-сон маълумотномаси). Натижада Дифен Супер, 55% н.кук. да 0,3 кг/га меъёрда қўлланилганда биологик самарадорлик 90,9% ташкил этган, касаллик ривожланиши эса 7,2% дан 0,9 фоизгача тушган, Скор 250 эм.к. фунгициди 0,3 л/га меъёрда қўлланилганда биологик самарадорлик 91,6% ташкил этган, касаллик ривожланиши эса 7,2% дан 0,7 фоизгача тушган, Дифен Супер 55% н.кук фунгицидида гектаридан 44530,0 минг сўм, Скор 250 эм.к эса ҳар гектардан 41580,0 минг сўм соф фойда олишга эришилган;

пиёзнинг кулранг чириш ва фузариоз чириш касалликларига қарши Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г., ва Фундазол 50% н.кук. фунгицидларини қўллаш Тошкент вилоятининг мева-сабзавотларни сақлаш учун мўлжалланган ООО «Golden Dried fruits» омборхонасида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги 02/023-54-сон маълумотномаси). Натижада Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г. препарати ишлатилганда ўртача касалланиш 7,70% дан 0,9% гача пасайган. Фундазол 50% н.кук фунгициди қўлланганда эса касалланиш 7.70% дан 1,3% гача пасайишга эришилган;

пиёз экилган дала ўқ ариқ атрофларида ўсаётган бегона ўт турларига қарши Стомп, 33% к.э. ва Самурай, 33% эм.к., гербицидларини қўллаш ҳамда пиёзнинг 2-4 чин барг чиқарган даврида Гоал 2 Е, 24% ва Хадаф, 24% гербицидларини қўллаш Қашқадарё, Фарғона, Тошкент вилоятлар шароитида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 18 майдаги 02/023-54-сон маълумотномаси). Натижада Самурай 33% эм.к., 4,5-л/га қўлланилганда 90% биологик самара кўрсатган ва ҳосилдорлик 541,4-543,5 ц/га ошган, қўшимча 126,2-128,3 ц/га ҳосил сақлаб қолинган, Гоал 2 Е, 24% ва Хадаф, 24% 2,3-л/га гербицидларида эса биологик самарадорлик 92,1% ни ташкил этган, қўшимча ҳосилдорлик 130,9-140,1 ц/га ошган ва 481,3-490,1 ц/га ҳосил сақлаб қолишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация доирасидаги илмий ишланмалар йиллик ва якуний ҳисоботлар шаклида ҳар йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ва Тошкент давлат аграр университети апробация комиссиялари томонидан апробациядан ўтказилган. Йиллик ҳисоботлар Тошкент давлат аграр университети илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация доирасида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг 7 марта, жумладан 6 та халқаро 1 Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола,

жумладан, 8 таси республика ва 10 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 3 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижалари жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пиёз ўсимлигининг микобиотасига оид чоп этилган адабий манъбаалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи ёзилган бўлиб, унда пиёзчилик соҳасининг инсонлар ҳаётида тутган ўрни, кўп қирралилиги, ривожланган хорижий мамлакатлар шароитида пиёзчилик саноатини ривожлантириш усулларини ишлаб чиқишга оид бажарилган илмий тадқиқот ишларининг тахлили, пиёз ўсимлигининг географик тарқалиши, уларнинг қисқача биологик хусусиятлари тахлили, пиёзчиликни янада ривожлантиришда уруғчилик ва селекция соҳасининг аҳамияти, мамлакатимиз аҳолисининг пиёзга бўлган талабини қондириш, вегетация даврида қўлланилган агротехник усулларини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси шароитида пиёз ўсимлигидан мўл ва сифатли маҳсулот ҳосилини олиш ҳамда уларни омборхоналарда узоқ муддат сақлаш усулларини ишлаб чиқиш мақсадида бажарилган тадқиқот ишларининг тахлили ва унинг ҳосилдорлигини ошириш учун экинни зараркунанда, касалликлар ҳамда бегона ўтлардан ҳимоя қилиш йўллари ва усуллари баён этилган. Аммо, ушбу соҳада пиёз етиштиришдан ташқари уни омборхоналарда сақлаш жараёнида замбуруғ касалликлари таъсирида ҳам бир қанча омиллар мавжудлиги ва уларни бартараф этиш йўллари ва усуллари тўлиқ ёритилган ва мавзунинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг "**Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларининг географик жойланиши, рельефи, табиий иқлими ва тупроқ хусусиятларининг тавсифи**" деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ўрганилган ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ва услублари ишлаб чиқилган. Тошкент вилоятида жойлашган "Бўзсув", Фарғона вилоятининг Фарғона ва Қашқадарё вилояти метеостанцияларидан олинган маълумотлар бўйича 2013 йилда ёғингарчиликнинг умумий миқдори – 368.9 , 2014 йилда – 412.4 мм, 2015 йилда – 422.7 мм, 2016

йилда 420.9 мм, 2017 йилда 400.1 мм, 2018 йилда 415.8 мм. Ҳавонинг йиллик ўртача нисбий намлиги – 2013 йилда – 61%, 2014 йилда – 52,6%, 2015 йилда – 54,1%, 2016 йилда 53.9%, 2017 йилда 52.7%, 2018 йилда 52.5%. Тупрок юзасининг ўртача йиллик иссиқлик ҳарорати 2013 йилда – 15,1°C, 2014 йилда – 11,4°C, 2015 йилда – 19,2°C, Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 2013 йилда – 15,1°C, 2014 йилда – 15,0°C, 2015 йилда – 13,7°C, 2016 йилда 16.1°C, 2017 йилда 15.6°C, 2018 йилда 15.9°C ташкил қилган.

Диссертациянинг «**Илмий-тадқиқот ишларини бажариш даврида қўлланилган иш услублари**» деб номланган учинчи бобида диссертация мавзуси бўйича тадқиқотлар қуйидаги кетма-кетликда бажарилган: касалланган пиёз ўсимликлари ва уларнинг аъзоларидан гербарий намуналарини йиғишда ботаника ва фитопатология соҳасидаги усуллардан; замбуруғларнинг соф культураларини олишда М.А. Литвинов; А.И. Дудка, С.П. Васер, И.А. Эланская, Э.З. Коваль усулларидан; пиёз уруғларидан замбуруғларни ажратиш ва уларни аниқлашда А.Я. Семенов, А.П. Абрамова, М.К. Хохряков усулларидан ва касалланган пиёз тўқималаридаги замбуруғ турларини аниқлашда В.И. Билай; Т.А. Доброзракова ва бошқ. ҳамда Н.М. Пидопличколарнинг аниқлагичларидан фойдаланилган. Тошкент, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари шароитида етиштирилаётган пиёзлардан ажратилган ва аниқланган касаллик қўзғатувчи замбуруғ турлари ва уларнинг систематик жойланиши бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Лаборатория шароитида миколог ва фитопатолог олимлар ишлаб чиққан ва шу соҳада қабул қилинган усуллардан фойдаланиб уларнинг турлари аниқланган. Мавжуд илмий адабиётлардан ва олиб борилган тажрибалардан фойдаланган ҳолда пиёз ўсимлиги 101 та турга мансуб замбуруғ турлари билан касалланиши аниқланган.

Диссертациянинг «**Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари дала шароитида ўстирилаётган ҳамда пиёз маҳсулотларини омборхоналарда сақлаш даврида ажратилган ва аниқланган замбуруғ турлари, уларнинг систематик жойланиши**» деб номланган тўртинчи бобида вилоятлар дала шароитида ўстирилаётган пиёз ўсимликларидан, уларни омборхоналарда сақлашга қўйилган маҳсулотларидан ҳамда омборхоналарнинг ҳаво таркиби, деворлари ва полларидан ажратилган ва аниқланган замбуруғ турлари, уларнинг систематик жойланиши батафсил таҳлил қилинган.

Илмий тадқиқот ишларини бажариш жараёнида (2013-2018 йиллар давомида) Қашқадарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари дала шароитларида ўстирилаётган пиёз ўсимликлари аъзоларидан 927 та гербарий намуналари тўпланган. Пиёзбошларини омборхоналарга сақлашга қўйган давр ичида уларда мавжуд касал қўзғатувчи турлардан ҳам намуналар олиб, замбуруғ турлари аниқланган.

Омборхоналарнинг ҳаво таркибидан, омборхона девор ва полларидан ҳам мавжуд замбуруғларни ажратиш учун намуналар олиниб замбуруғ турлари аниқланган. Йиғилган намуналар таҳлил қилиниб аниқланган

замбуруғ турларимизнинг 5 та синф, 8 та тартиб, 15 та оила 42 та туркум ва 101 та турга мансублиги исбот қилинган (1-жадвал).

Улардан энг қўп турлар Тошкент вилояти шароитидан 80 та тур, камроқ Фарғонадан - 64 та, ундан ҳам камроқ - 62 та Қашқадарё вилоятидан ажратилди ва аниқланган. (2-жадвал).

1- жадвал

Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари дала шароитида ўстирилаётган пиёз ўсимликларидан, уларни омборхоналарда сақлашга қўйилган маҳсулотларидан ҳамда омборхоналарнинг ҳаво таркиби, деворлари ва полларидан ажратилган ва аниқланган замбуруғ турлари, уларнинг систематик жойланиши (2013-2018 йилларда)

№	Синфлар	Тартиблар	Оилалар	Туркумлар	Турлар
1	2	3	4	5	6
1	<i>Oomycetes</i>	<i>Peronosporales</i>	<i>Pythiaceae</i>	<i>Pythium</i>	^x <i>P.ultimum</i> Trow
2	-//-	-//-	-//-	-//-	^x <i>P.spinosum</i> Sawada
3	-//-	-//-	<i>Peronosporaceae</i>	<i>Peronospora</i>	<i>P.neglecta</i> Garon
4	-//-	-//-	-//-	-//-	<i>P.schleideniana</i> Cornu
5	<i>Zygomycetes</i>	-//-	<i>Mucoraceae</i>	Mucor	<i>M.Eircinelloides</i> v. Teigh
6	-//-	-//-	-//-	-//-	<i>M.corticola</i> Hagem
7	-//-	-//-	-//-	-//-	<i>M.mucedo</i> Fres
8	-//-	-//-	-//-	-//-	<i>M.plumbeus</i> Bon.
9	-//-	-//-	-//-	-//-	<i>M.racemosus</i> Fres
10	<i>Ascomycetes</i>	<i>Taphrinales</i>	Melanosporaceae	Chetomium	<i>C.spirale</i> Zopf
11	-//-	-//-	Dothydeaceae	Mycospherella	<i>M.allicina</i> (Fr.) Vest
12	-//-	-//-	-//-	-//-	<i>M.schoenoprassi</i> Auersw
13	-//-	Pleosporales	Pleosporaceae	Pleospora	<i>P.herbarum</i> (Pers. Fr) Rab.
14	-//-	-//-	-//-	-//-	<i>P.secalis</i> Niessl et Kunze
15	-//-	-//-	-//-	<i>Botryotinia</i>	<i>B.porri</i> (Beyma Thoe Kingma) Whetzel
16	-//-	-//-	-//-	-//-	<i>B.squamosa</i> Viennot - Bourgin
17	-//-	-//-	Sclerotinaceae	<i>Sclerotinia</i>	<i>S.sclerotiorum</i> (Lib) De Bary
18	-//-	-//-	-//-	-//-	<i>S.cepivorum</i>
19	-//-	-//-	Dermatiaceae	<i>Pseudopeziza</i>	^x <i>P.porri</i> v.Ar.x.et Baer.
20	<i>Basidiomycetes</i>	<i>Ustilaginales</i>	<i>Tilletiaceae</i>	<i>Urocystis</i>	<i>U.allii</i> Schellenb
21	-//-	-//-	-//-	-//-	<i>U.cephulae</i> Frost

22	-/-	<i>Uredinales</i>	<i>Melampsoraceae</i>	<i>Melampsora</i>	^x <i>M.allii-fragalis</i> Klebahn
23	-/-	-/-	-/-	-/-	^x <i>M.allii-populina</i> Klebahn
24	-/-	-/-	-/-	-/-	^x <i>M.allii – salicis-alboe</i> Klebahn
25	-/-	-/-	<i>Pucciniaceae</i>	<i>Uromyces</i>	^x <i>U.ambiguns</i> (D.C) Lev.
26	-/-	-/-	-/-	<i>Puccinia</i>	<i>P.allii</i> (D.C.) Rudolph
27	-/-	-/-	-/-	-/-	^x <i>P.permixta</i> Sydow
28	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>P.porri</i> (Saw.Winter)
29	-/-	-/-	-/-	-/-	^x <i>P.winteriana</i> Magnus
30	<i>Deuteromycetes</i>	<i>Hyphales</i>	<i>Moniliaceae</i>	<i>Oospora</i>	<i>O.roseo - flavus</i> Sacc.
31	-/-	-/-	-/-	<i>Sporotrichum</i>	<i>S.flavissimum</i> Linket Fries
32	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>S.olivaceum</i> Link Fries
33	-/-	-/-	-/-	<i>Cephalosporium</i>	<i>C.coremioides</i> Raillo
34	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>C.acremonium</i>
35	-/-	-/-	-/-	<i>Gliocladium</i>	<i>G.roseum</i> Link Bainer
36	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>G.verticilloides</i> Pidop
37	-/-	-/-	-/-	<i>Aspergillus</i>	<i>A.clavatus</i> Desm
38	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A. porry</i>
39	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A.fumigatus</i> Pres
40	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A.nidulans</i> (Eidem) Wint
41	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A.niger</i> v. Tieght
42	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A.terreus</i> Thom.
43	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A.oryzae</i> (Ahlb.) Cohn.
44	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A.flavus</i> Link.
45	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A.ochraceum</i> Wiehelm.
46	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A.melleus</i> Yukawa
47	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A.candidus</i> Link
48	-/-	-/-	-/-	<i>Penicillium</i>	<i>P.albidum</i> Sopp.
49	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>P.notatum</i> Westl.
50	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>P.chrysogenum</i> Thom
51	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>P.sulfureum</i> Sopp.
52	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>P.lanosum</i> Westl.
53	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>P.terrestre</i> jensew
54	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>P.crustosum</i> Thom
55	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>P.urticae</i> Bain.
56	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>P.corymbiferum</i> Westl.
57	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>P.funiculosum</i> Thom.
58	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>P.hirsutum</i> Bain et Sart
59	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>P.expansum</i>
60	-/-	-/-	-/-	<i>Trichoderma</i>	<i>T.lignorum</i> (Tode) Hars.
61	-/-	-/-	-/-	<i>Acremonium</i>	<i>A.alternatum</i> Link et Fries
62	-/-	-/-	-/-	<i>Botrytis</i>	<i>B.allii</i> Munn.
63	-/-	-/-	-/-	-/-	^x <i>B.bysoidea</i> Walker

64	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>B.cinerea</i> Pers
65	-/-	-/-	-/-	-/-	^x <i>B.squamosa</i> Walker
66	-/-	-/-	-/-	-/-	^x <i>B.septospora</i> Helaly
67	-/-	-/-	-/-	Verticillum	<i>V.lateritium</i> Berk.
68	-/-	-/-	-/-	<i>Trichothecium</i>	<i>T.roseum</i> Link et Fries
69	-/-	-/-	Dematiaceae	Aurobasidium	<i>A.pullulans</i> (D.B.) Arn.
70	-/-	-/-	-/-	Negrospora	<i>N.sphaerica</i> (Succ.) Mason
71	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>N.oryzae</i> Petch.
72	-/-	-/-	-/-	Stachybotrys	<i>S.alternans</i> Bon.
73	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>S.lobulata</i> Berk.
74	-/-	-/-	-/-	Dicoccum	<i>D.asperum</i> (Sort) Succ.
75	-/-	-/-	-/-	<i>Cladosporium</i>	<i>C.epiphyllum</i> (Pers) Lind
76	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>C.herbarum</i> (Pers) Lk
77	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>C.fasciculare</i> Pers. Fries
78	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>C.carpophilum</i> Thuem
79	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>C.ramosum</i>
80	-/-	-/-	-/-	<i>Cercospora</i>	^x <i>C.duddiae</i> Welles
81	-/-	-/-	-/-	<i>Alternaria</i>	<i>A.tenuis</i> Nees et Fries
82	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A.dianthicola</i> Neerg
83	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A.alternata</i> (Fr) Keissl.
84	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A.humicola</i> Oud
85	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>A.porri</i> (Ell) Cif
86	-/-	-/-	-/-	<i>Stemphylium</i>	<i>S.allii</i> Oud
87	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>S.ilicis</i> Tengwall
88	-/-	Acervulales	Tuberculariaceae	<i>Fusarium</i>	<i>F.oxysporum</i> Schlecht.e mend.Sned.et Haus/ f.sp.cepae
89	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>F.solani</i> (Mart) Ap.et. Wr
90	-/-	Pycnidiales	Sphaerioideae	<i>Pyrenochaeta</i>	^x <i>P.terretris</i> (Haus) qoren
91	-/-	-/-	-/-	<i>Phyllosticta</i>	^x <i>Ph.allii</i> Tenon et Daniels
92	-/-	-/-	-/-	-/-	^x <i>Ph.allicola</i> Lobik
93	-/-	-/-	-/-	-/-	^x <i>Ph.cepae</i> Verwold et Duplessis
94	-/-	-/-	-/-	<i>Phoma</i>	<i>Ph.allicola</i> Sacc
95	-/-	-/-	-/-	<i>Placosphaeria</i>	^x <i>P.allii</i> Karst.et Har
96	-/-	-/-	-/-	-/-	<i>P.secalis</i> Niessl.et Kunze
97	-/-	-/-	-/-	<i>Ascochyta</i>	<i>A.allii</i>
98	-/-	-/-	-/-	-/-	^x <i>A.secalis</i>
99	-/-	-/-	-/-	<i>Diplodia</i>	^x <i>D.natalensis</i> Pole Evans
100	-/-	-/-	-/-	<i>Septoria</i>	^x <i>S.alliorum</i> West
101	-/-	-/-	-/-	<i>Rhabdospora</i>	<i>R.allicola</i> Allescher
	5	8	15	42	Жами: 101

**Республика вилоятлари омборхоналарининг девор ва полларидан ажратилган
замбуруғ турлари (2013-2018 йил давомида)**

№	Замбуруғ турлари	Вилоятлар			Умумий сони/дона
		Қашқадарё	Фарғона	Тошкент	
1	<i>Mucor circinelloides</i>		+		1
2	-//- <i>corticola</i>			+	1
3	-//- <i>mucedo</i>			+	1
4	-//- <i>acremonium</i>	+			1
5	<i>Glioclodium roseum</i>	+	+	+	3
6	-//- <i>verticilloides</i>	+	+	+	3
7	<i>Aspergillus clavatus</i>			+	1
8	-//- <i>nidulans</i>	+			1
9	-//- <i>oryzae</i>	+	+	+	3
10	-//- <i>candidus</i>	+	+	+	3
11	-//- <i>melleus</i>	+	+	+	3
12	-//- <i>flavus</i>	+			1
13	<i>Penicillium notatum</i>	+			1
14	-//- <i>crustosum</i>	+			1
15	-//- <i>corymbiferum</i>	+			1
16	-//- <i>funiculosum</i>			+	1
17	-//- <i>hirsutum</i>		+	+	2
18	<i>Acremonium alternatum</i>			+	1
19	<i>Verticillum lateritium</i>		+	+	2
20	<i>Trichothecium roseum</i>			+	1
21	<i>Cladosporium herbarum</i>			+	1
22	-//- <i>carophilum</i>		+		1
23	<i>Alternaria tenuis</i>	+	+	+	3
24	-//- <i>alternata</i>			+	1
	Жами 24	16	17	23	56

Диссертациянинг «Пиёз ўсимликларида касаллик қўзғатувчи, пиёзчилик саноатини янада ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ва унга кўп зарар етказувчи замбуруғ турларининг бази бир биологик хусусиятлари» деб номланган бешинчи бобида пиёз ўсимликларида кенг тарқалган ва катта зарар етказадиган касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларининг биологик хусусиятлари, ўсимлик билан касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларининг ўзаро муносабатлари ўрганилган.

Олинган маълумотларни умумлаштириб Ўзбекистон вилоятларида ўстирилаётган пиёз ўсимликларидаги мавжуд касалликларнинг ташқи белгиларига асосланиб, уларни 5 гуруҳга бирлаштирилган. Некроз ва доғланишлар – пиёз ўсимликларининг барглари, гулпоялари ва бошқа касал аъзо тўқималарида кенг тарқалган касалликлардан ҳисобланади. Некрозлар ҳар хил шаклдаги катта-кичик доғлар (ўсимликларнинг ўлган тўқималари) ҳисобланади. Некрозларнинг тепа қисмида касалликни қўзғатган замбуруғ турларининг биологик хусусиятларига қараб, думалок, тухумсимон

чўзинчоқ, учбурчак ёки умуман ҳар хил бурчакли шаклдаги катта-кичиклиги билан фарқ қиладиган доғлар ҳосил бўлади. Уларнинг ранглари касаллик кўзғатган замбуруғ турининг мицелий, конидийбанд ва конидияларининг рангига ўхшаш рангда бўлади.

Ғуборлар – пиёз ўсимликларининг барглари, гулпоялари юзасида касаллик кўзғатувчи замбуруғ турларининг мицелий, конидиофора ва конидияларидан ташкил топган ёстиқча турларидир. Улар ҳар хил шаклда бўлиб, аввало майда-майда тарқоқ жойлашган, кейинчалик ўсиш ва ривожланишлари натижасида катталашиб, бир-бири билан қўшилиб, катта ғуборларга айланиб қоладилар. Баъзи турларининг ғуборлари юмшоқ, бўш жойлашган, баъзилари эса зич, бир-бири билан маҳкам жипслашган, қаттиқ, баъзиларининг мицелийси ўсимлик тўқимаси ичида жойлашганлиги сабабли ғуборлари фақат конидийфора ва конидиялардан иборат бўлади.

Ёстиқчалар – касалланган пиёз ўсимликларининг барг ва гулпоя тўқималари ичида пастга қараб чуқурлашиб ўсган мицелий катталашиб ҳамда бир - бирига ёндашиб зич жойлашган конидиофора ва конидиялардан ташкил топгандир. Улар пастки қисмлари билан ўсимлик аъзолари ичида жойлашиб тепа қисмидан ўсимлик эпидермисси билан бекилган бўлади. Улар қалин ғуборлар бўлиб, улар пиёз ўсимликларининг барглари ва гулпояларида, думалоқ, чўзинчоқ, тепага қараб дўмбоқлашиб кўтарилган шаклда бўлади. Замбуруғ споралари ўсимлик аъзоларининг тўқималарига тушгандан сўнг ўсиб чиққан мицелийлари ўсимликнинг хужайра ораликларига жойлашиб, ўсимлик хужайралари ичида ўсишлари натижасида гифалардан ташкил топган ҳамда тўқима ичига эгилиб кирган эций, урединия, телиялар ҳосил бўлади. Улар ўсиб катталашиб, ўсимликнинг эпидермиси йиртилиб кетишига олиб келади. Кейин ёстиқчалардан споралар ташқарига тарқалади ва янги ўсимлик аъзоларини касаллантиради. Эций ёстиқчалари оч-сарикдан тўқ-сарик (апельсин тусли) гача, урединиялар оч-кўнғирдан кўнғиргача ва телиялар тўқ-кўнғирдан деярли қора ранглигача бўлади. Бундай ёстиқчалар *Basidiomycetes* синфига мансуб занг касаллигини кўзғатган турларга ҳосдир.

Қоракуя пуфакчалари – касалланган пиёз ўсимлигининг баргларида, гулбандида думалоқ шишга ўхшаш пуфакчалар ҳосил бўлади. Аввало улар ўсимликнинг эпидермис қатлами остида ҳосил бўлиб, кейин эпидермис йиртилгач ичидан жуда кўп миқдордаги қора рангли спора массаси кўриниб қолади. Натижада пуфакчаларнинг йиртилган жойида узунасига қора ёриқ пайдо бўлади. Баргнинг тепа қисми қийшайиб, ўсимлик нобуд бўлади.

Чириш – пиёз ўсимликларида кенг тарқалган ва пиёзчиликка кўп зарар келтирадиган касалликлардан бири ҳисобланади. Чириш касаллигини кўзғатувчи замбуруғ турлари олдин ўсимликнинг пиёзбошини юмшатади. Сўнгра уни чирита бошлайди. касал тўқима бўшашиб, юмшаб қолади ва натижада бўтқага ўхшаб чириб, кўланса хид чиқаради. Касал кўзғатувчи замбуруғ турига муносиб ўсимлик чириган аъзолари тепасида ҳар хил рангли ғуборлар ҳосил бўлади. Склеротиниоз чиришда – оқ, ботритиозда – кулранг,

фузариозда – пушти, қизғиш, альтернариозда – қора, пенициллиозда – яшил ва ҳоказо. Демак, касалланган пиёз ўсимлиги аъзолари тепасида ҳосил бўлган касалликларнинг ташқи кўринишидаги ўзгаришлари ҳўжайин ўсимлик билан замбуруғ турларининг ўзаро ҳаёт жараёнида ўтказган биологик муносабатларининг самарасидир. Касалланган пиёз ўсимликларида аниқланган касаллик кўзғатувчи замбуруғларнинг озиқланиш усуллари 3-жадвалда келтирилган.

3- жадвал

Пиёз ўсимликларида аниқланган замбуруғ турларининг озиқланиш усулларига қараб тақсимланиши

№	Замбуруғ турлари	Озиқланиш усуллари:			
		Ҳақиқий паразит	Факультатив сапротроф	Факультатив паразит	Ҳақиқий сапротроф
1	2	3	4	5	6
1	<i>Alternaria alternata</i>		+	+	+
2	<i>Alternaria porri</i>		+		
3	<i>Aspergillus candidus</i>		+		+
4	<i>Aspergillus fumigatus</i>		+		+
5	<i>Aspergillus niger</i>		+		+
6	<i>Aspergillus terreus</i>		+		+
7	<i>Botryotinia porri</i>				+
8	<i>Botryotinia squamosa</i>				+
9	<i>Botrytis allii</i>		+		
10	<i>Botrytis byssoidea</i>		+		
11	<i>Botrytis cinerea</i>		+	+	
12	<i>Botrytis squamosa</i>		+	+	
13	<i>Botrytis septospora</i>		+	+	
14	<i>Cercospora duddiae</i>		+		
15	<i>Cladosporium fasciculare</i>			+	
16	<i>Cladosporium herbarum</i>			+	
17	<i>Diplodia natalensis</i>			+	
18	<i>Fusarium oxysporium f.sp.cepae</i>		+		
19	<i>Fusarium solani</i>		+		
20	<i>Melampsora allii-fragalis</i>	+			
21	<i>Melampsora allii-populina</i>	+			
22	<i>Melampsora allii-salicis-albae</i>	+			
23	<i>Mycosphaerella allicola</i>		+		
24	<i>Mycosphaerella schonoprassi</i>		+		
25	<i>Penicillium chysogenum</i>				+
26	<i>Penicillium hirsutum</i>				+
27	<i>Penicillium lanosum</i>		+		+
28	<i>Penicillium rubrum</i>		+		+
29	<i>Peronospora schlideniana</i>	+			
30	<i>Phoma allicola</i>		+		

31	<i>Phyllosticta allii</i>		+		
32	<i>Phyllosticta allicola</i>		+		
33	<i>Phyllosticta cepae</i>		+		
34	<i>Placosphaeria allii</i>		+		
35	<i>Placosphaeria secalis</i>	+			
36	<i>Pleospora herbarum</i>			+	
37	<i>Pleospora secalis</i>			+	
38	<i>Pseudopeziza porri</i>		+		
39	<i>Pyrenochaeta terrestris</i>		+		
40	<i>Pythium ultimum</i>				+
41	<i>Pythium spinosum</i>				+
42	<i>Puccinia allii</i>	+			
43	<i>Puccinia permixta</i>	+			
44	<i>Puccinia porri</i>	+			
45	<i>Puccinia winteriana</i>	+			
46	<i>Rhabdospora allicola</i>			+	
47	<i>Sclerotinia sclerotiorum</i>		+		
48	<i>Sclerotinia cepivorum</i>		+		
49	<i>Septoria alliarum</i>		+		
50	<i>Stemphylium allii</i>		+	+	
51	<i>Trichothecium roseum</i>				+
52	<i>Urocystis allii</i>	+			
53	<i>Urocystis cepulae</i>	+			
54	<i>Uromyces ambiguns</i>	+			
	Жами 54	12	29	10	14

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пиёз ўсимликларида касал қўзғатувчи 54 замбуруғ турларини ажратдик ва аниқладик уларнинг озикланиш хусусиятларига қараб 4 та гуруҳга бўлдик. Энг кўп турлар 29 та факультатив сапротроф, кейин 10 та факультатив паразит, 14 та ҳақиқий сапротроф, 12 таси эса ҳақиқий паразит турларига мансублиги маълум бўлди. Мавжуд касалликлар бир-биридан ташқи кўриниши ва биологик хусусиятлари билан фарқланиши, замбуруғ турларини ўсимликларнинг баргида, гулбандида ҳар хил рангли ва шакли доғлар ҳосил қилиш сабаблари аниқланиб, уларни бартараф қилиш йўллари асослаб берилди. Касал қўзғатувчи замбуруғ турларининг манбаи бўлган дала четлари, йўл ёқаларидаги бегона ўтларнинг биологияси ҳамда Республикамиз шароитида тарқалиши бўйича маълумотлар келтирилган. Бунинг асосий сабаблари кўрсатиб ўтилган. Республикамизнинг пиёз майдонларида ҳозирги вақтда катта хавф туғдираётган бегона ўтлар олабута, шўра, юлдузўт, қўйतिकан, ёввойи гултожихўроз, ёввойи сули, қўйпечак, итузум, сариқ ўт, семиз ўт, жағ-жағ, бўритароқ ва бошқа ўтлар суғориладиган ерларда кўп учрайди.

Диссертациянинг "**Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилояти дала шароитларида ўстириладиган пиёз ўсимликларининг ўсиш ва ривожланиш даврида, ҳамда маҳсулотларни омборхоналарда сақлаш жараёнида аниқланган замбуруғ турлари қўзғатган касалликлари**" деб номланган олтинчи бобида илмий тадқиқот ишлари бажарилган вилоятларнинг дала шароитида кенг тарқалган ва пиёзчиликни янада ривожлантиришга тўс-

қинлик қиладиган ҳамда пиёзчиликга кўп зарар келтирадиган 54 та замбуруғ турлари кўзғатган касалликларга оид маълумотлар баён қилинган. Уларда асосан сохта ун шудринг занг, қоракуя, доғланиш, чириш касалликларини кўзғатган касалликлар таҳлил қилинган. Ҳар касалликнинг номи, касал кўзғатувчи замбуруғ тури касаллик ўсимликнинг касаллантирган аъзолари, касалликнинг ташхиси замбуруғ турининг морфологик хусусиятлари ва касалликнинг тарқалиши, охирида пиёз ўсимлигини қайси навида касалликнинг қайт қилинганлиги келтирилган.

Диссертациянинг **"Пиёз касалликларига қарши кураш чоралари"** деб номланган еттинчи бобида пиёзда учрайдиган касалликлар ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари ёритилган. Ўсимлик касалликларига қарши ишлатиладиган барча кураш усулларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: профилактик чоралар (огоҳлантирувчи, олдини олувчи) ва терапевтик чоралар (даволовчи). Ўсимлик касалликларига қарши кураш чораларига комплекс агро-техник тадбирлар, кимёвий, биологик ва бошқа кураш усулларига ҳам бўлинади. Ушбу усуллар ичида ўсимликларни касаллик ва бегона ўтлардан химоя қилишда кимёвий кураш чоралари энг тезкор ва самарали воситалар бўлиб ҳисобланади. Пиёз ўсимликларининг касалликларига қарши қўлланиладиган фунгицидларнинг самарадорлиги тўғрисида маълумотлар камлиги ва янги фунгицидларни замбуруғлар кўзғатадиган касалликларга қарши қўллаш ҳақидаги маълумотлар йўқлиги сабабли айрим фунгицидларни касалликларга қарши қўллаш мумкинлигини ўрганишга алоҳида эътибор берилган.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқаришда сохта ун-шудринг, турли хил доғланиш ва пиёзнинг чириш касалликларига қарши қўлланилишга тавсия этилаётган фунгицидлардан Шавит Ф 72% с.э.г, Курзат Р 70% н.кук., Квадрис 25% сус.к., Акробат МЦ. с.д.г, Ридомил Голд МЦ с.д.г., Превикур SL 722 % с.э.к., Скор 250 эм.к, ҳамда Дифен Супер 55% н.кук. каби фунгицидлар ҳамда Самурай 33% эм.к, Хадаф 24 %, Гоал 2 Е, Стомп 33% к.э гербицидлари тажрибада синовдан ўтган. Назорат вариантыда оддий сувдан фойдаланилган. (4-жадвал).

Қўлланилган фунгицидларнинг тавсия этилган миёрларини фитопатоген замбуруғларнинг соф култураларини ривожланишига тасири (ўсишни чеклаш зонаси, мм)

Фунгицидлар Тест-культура	Акробаг МЦ, с.д.г.	Ридомил Голд МЦ с.д.г.	Дифен Супер 55% н.кук.	Шавит Ф 72% с.э.г.	превикур SL 722 с.э.к.	Курзат Р 70% н.кук.	Квадрис 25% сус.к.	Скор 250 эм.к.	назорат (суб)
<i>Fusarium solani</i>	2	4	5	4	4	3	2	5	-
<i>Cladosporium herbarum</i>	4	3	5	3	4	3	1	4	-
<i>Alternaria alternata</i>	3	4	5	3	6	4	2	4	-
<i>Botrytis cinerea</i>	4	5	6	5	6	5	2	5	-
<i>Aspergillus niger</i>	3	5	6	3	5	4	2	6	-
<i>Stemphylium allii</i>	3	5	6	3	6	4	3	4	-

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики илмий тадқиқот ишини бажаришда қуйидаги фитопатоген замбуруғ турлари тест-культура сифатида қўлланилган: *Fusarium oxysporum*, *F.solani*, *Cladosporium herbarum*, *Alternaria alternata*, *Botrytis byssoidea*, *B. cinerea*, *Trichothecium roseum*, *Aspergillus niger*, *Penicillium chrysogenum*, *P. lanosum*, *Stemphylium allii* ва бошқалар. Олиб борилган тажрибалар асосида энг самарали фунгицидлар Скор 250 эм.к, ҳамда Дифен Супер 55% н.кук. лиги, энг самарали гербицидлар эса Самурай 33% эм.к, Хадаф 24% эканлиги исботланган

Пиёз ўсимлигининг сохта ун-шудринг билан касалланишига фунгицидларнинг таъсири

(ишлаб чиқариш тажрибаси, 2013-2018 й., Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, «Ш.Ахмонов» ф/х)

